

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСМОИЛОВА МУАЗЗАМХОН ИСРОИЛОВНА

**COVID-19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАР ИЧАКЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ
ҲОЛАТИ ВА МИКРОФЛОРАСИНИ ЎРГАНИШ, ҲАМДА
ДАВОЛАШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Исмоилова Муаззам Исроиловна

COVID-19 ўтказган беморлар ичакларининг функционал
ҳолати ва микрофлорасини ўрганиш ҳамда
даволашни мувофиқлаштириш..... 3

Исмоилова Муаззам Исроиловна

Изучение функционального состояния и микрофлоры
кишечника больных, перенесших COVID-19 и
оптимизация их лечения..... 25

Ismoilova Muazzam Isroilovna

Study of the functional status and microflora of the
intestines patients with COVID-19, as well as
coordination of treatment..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСМОИЛОВА МУАЗЗАМХОН ИСРОИЛОВНА

**COVID-19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАР ИЧАКЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ
ҲОЛАТИ ВА МИКРОФЛОРАСИНИ ЎРГАНИШ, ҲАМДА
ДАВОЛАШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2672 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гадаев Абдиғаффар Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвасит Мирвасикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Мамлакат Тулабаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 202__ йил «___» _____ куни тарқатилди.
(202__ йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Л.Т. Даминова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. 2019 йил декабрь ва 2020 йил март ойларида Covid-19 Хитой давлати ҳудудида кенг тарқалди. Энг кўп касалланиш маркази Ухан шаҳри бўлган, мамлакатнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган Хубей вилоятида (барча касалланганларнинг 84%) аниқланди. 2020 йил январнинг охирларидан бошлаб дунёнинг барча мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистон аҳолиси орасида ҳам Covid-19 аниқлана бошланди ва касаллик катта тезликда унинг барча қатламларини қамраб олди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2020 йил 11 мартдан Covid-19 пандемияси бошланганлиги тўғрисида расмий эълон қилди.

Жаҳонда пандемия кўринишида давом этган COVID-19 ҳамон бутун дунё аҳолисига хавф солиб турибди. АҚШ нинг Джон Хопкинс университети маълумотларига кўра “2022-йил 5 май ҳолатида дунёда 300 миллиондан ортиқ аҳоли коронавирус билан касалланган ва уларнинг 15 миллионга яқини касаллик ва унинг асоратлари оқибатида оламдан ўтган”¹. Лекин ушбу рақамлар фақат шифохона шароитида вафот этганларга тегишли бўлиб уйда ўлганлар ушбу ҳисобга қўшилмаган. COVID-19 билан оғриган беморлардаги кўп сонли омилларни таҳлил қилиш коморбид ҳолатлар мавжуд бўлганда касаллик оғир кечиши тасдиқланди. Шу ўринда нафас аъзолари билан бир қаторда ошқозон-ичак тизими зарарланишини кузатилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамызда тиббиёт ходимлари олдида соҳани, шу жумладан касалликлар коморбидликда кечганда уларни эрта аниқлаш, даволашни янада мукаммаллаштириш ва халқаро стандартлар талабларига мослаштириш борасида қатор вазифалар қўйилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»¹ каби вазифалар белгиланган.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ- 5124–сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ -215-сон “Бирламчи тиббий – санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Гиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Айрим тадқиқотчилар томонидан COVID-19 да касалликнинг биринчи тўлкинида кўпроқ респиратор тизим, иккинчи тўлкинида эса ошқозон-ичак тизими зарарланиш белгилари хос деган фикрлар олдинга сурилган (Pan L. 2020, Ungaro R.C., 2020). 2019 йилда АҚШда кўнгил айланиш, қайт қилиш, кейинги куни диареяга шикоят билан келган 35 ёшли бемор нажасидан биринчи мартаба коронавирус РНКси касалликнинг 7 кунда аниқланган (Holshue M.L. 2020). Қатор маълумотларга кўра, COVID-19 РНКси касалликнинг 5 кундан бошлаб аниқланади ва унинг юқори чўққиси 11 кунга тўғри келади. Баъзи беморлар нажасида РНК респиратор белгилар йўқолиб нафас аъзоларидан олинган тегишли синамалар манфий бўлгандан кейин ҳам сақланади (Xiao F. 2020, Zhang W. 2020, Tang A. 2020, Young B.E. 2020, Chan K.H. 2004, Wu Y., 2020). Айрим тадқиқотчилар COVID-19 РНКни нажасда топилишини инфекцияни ошқозон-ичак тизимида узок сақланиш белгиси эмас деб қарашса ҳам, (То К.К.В. 2020) бошқа унга қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Маълумки, коронавирус организмга ангиотензин айлантурувчи фермент (ААФ 2) рецепторлари орқали киради. ААФ 2 рецепторларининг юқори экспрессияси нафақат ўпка альвеолалари ҳужайраларида балки ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, ҳамда тўғри ичак безсимон эпителиал ҳужайраларида ҳам кузатилади (Lu R. 2020, Zhou P. 2020, Liang W. 2020;) ва бу ўз навбатида ушбу инфекцияда ошқозон-ичак тизимида белгилар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин (Wu Y. 2020).

Қатор кузатувларда COVID-19 билан оғриган беморларда гастроэнтерологик шикоятларни учраш даражаси таҳлил қилинган. Хитойда олинган маълумотларга кўра 1099 COVID-19 ташхиси тасдиқланган беморларнинг 5-6% қайт қилиш ва 3-8% да диарея кузатилган (Guan W.J. 2019). У аниқланган 204 беморларнинг (ўртача ёши $54,9 \pm 15,4$ йил) клиник манзараси таҳлил қилинганда энг кўп кузатиладиган гастроэнтерологик белги анорексия (83,8%) бўлган. Диарея 29,3%, қайт қилиш 0,8%, қоринда оғриқ 0,4% беморларда қайд этилган. Санаб ўтилган белгилар кузатилган беморлар шифохона шароитида улар бўлмаганларга нисбатан узокроқ даволанганлар ($P=0,02$). Бунда гастроэнтерологик шикоятлари бўлган беморларнинг 53,4%нинг нажасида COVID-19 вируси РНКси аниқланган (Pan L. 2020). Қоринда оғриқ кўпроқ Covid-19ни оғир кечиш ҳолларида учраган (Wang D., 2020). Бошқа муаллифларнинг таъкидлашларича, COVID-19 билан кузатувда бўлган ва гастроэнтерологик белгилар аниқланган беморларда энг кўп диарея (24,2%), ундан сўнг анорексия (17,9%) ва кўнгил айланиши (17,9%) қайд этилган (Lin L. 2020). Муаллифлар диарея кўпроқ беморлар шифохонага ётқизилганларидан кейин аниқланганлигини, бу эса антибиотиклар қабул қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатишган.

Эзофагогастродуоденоскопия ўтказилган ва касаллик иккита оғир клиник кўринишда кечган беморларнинг қизилўнгачи, ошқозони, 12 бармоқли ичак ва тўғри ичаги шиллик қаватида COVID-19 РНКси, у энгил кечган 4 кишида эса фақат дуоденумнинг шиллик қаватида топилган. Ушбу маълумотларга асосланган

ҳолда муаллифлар инфекцияни фекал-орал юқиш йўли коронавирусида муҳим аҳамиятга эга деган хулосага келишган. Унда гастроэнтерологик белгилар респиратор ўзгаришлардан анча олдин кузатилгани кўрсатилган.

Мавжуд адабиётларда турли ички аъзолар, шу жумладан, ошқозон – ичак тизими касалликлари негизида COVID-19 ўтказган беморларда кузатиладиган ўзгаришлар тўғрисида айрим маълумотлар мавжуд. Уларда беморлар шифохонадан чиққанларидан сўнг, кузатувлар учинчи ёки олтинчи ойларида ўтказилган (Al-Aly Z. 2021, Ayoubkhani D. 2021, Huang C. 2021, Di Toro A. 2021). Лекин COVID-19 ўтказгандан кейин узоқ муддат ўтган беморлардаги гастроинтестинал соҳадаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар биз ўрганган адабиётларда ёритилмаган. Ваҳоланки, уларни ўз вақтида аниқлаш, иккиламчи профилактика муолажаларини ўтказиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 ўтказган беморлар ошқозон-ичакларининг функционал ҳолати, микрофлорасини ва улардаги яллиғланиш жараёнларини (нажасда *Helicobacter pylori* ва калпротектин, қонда интерлейкин – 6, қон зардобида *Helicobacter pylori*нинг антитаначалар кўрсаткичини) ўрганиш, ҳамда даволаш тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 касаллиги билан даволанган ва “клиник соғайган” беморларнинг ошқозонидаги ўзгаришларни баҳолаш мақсадида эзофагогастроуденоскопия ўтказиш;

COVID-19 ўтказган беморларда нажасни экиш ёрдамида ичак микрофлорасидаги ўзгаришларни ва унда *Helicobacter pylori* мавжудлигини ўрганиш;

ичакларда яллиғланиш жараёни мавжудлигини баҳолаш мақсадида нажасда калпротектин кўрсаткичини аниқлаш;

тизимли яллиғланиш жараёни мавжудлигини баҳолаш мақсадида қонда интерлейкин-6 кўрсаткичини аниқлаш;

*Helicobacter pylori*нинг антитаначалар кўрсаткичини қон зардобида иммунофермент таҳлил ёрдамида аниқлаш;

ичакларида Covid-19дан кейинги синдром аниқланган беморларда комплекс стандарт даво негизида ребамипид (мукоген) препаратидан фойдаланиб муолажаларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилояти шифохоналарида 2020-2021 йилларда ошқозон – ичак тизими касалликлари билан даволанган жами 100 нафар беморлар, 60 нафари COVID-19 ўтказиб соғайганига 3 ойдан бир йилгача вақт ўтган ва 40 нафари COVID-19 ўтказмаган шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида иммунологик - биокимёвий текширувлар учун беморлар веноз қони зардоби, нажаси, ҳамда гастрोфиброскопия натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари сифатида клиник, асбобий – кўкрак қафаси рентгенографияси, эзофагогастроуденоскопия, ошқозон-ичак рентгенографияси, лаборатор - қонда интерлейкин-6 кўрсаткичи, ҳамда қон зардобида *Helicobacter pylori*нинг антитаначалар кўрсаткичини иммунофермент таҳлил ёрдамида аниқлаш, нажасни умумий таҳлили, уни

экиш ва кальпротектин, ҳамда *Helicobacter pylori*га текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Илк мартаба COVID-19 ўтказган ва “клиник соғайган” беморлар ичак микрофлораси ҳолати ва *Helicobacter pylori* кўрсаткичлари ўрганилган;

Ичакларда яллиғланиш жараёни нажасда калпротектинни (мос равишда $112,36 \pm 1,05$ ва $68,23 \pm 12,64$) аниқлаш орқали баҳоланган ва COVID-19 ўтказган, ҳамда “клиник соғайган” беморларда унинг кўрсаткичи назорат гуруҳида нисбатан ишончли юқорилиги ($P < 0,05$) аниқланган;

COVID-19 ўтказган ва “клиник соғайган” беморларда аниқланган ошқозон ичакдаги касалликларни стандарт ва симптоматик муолажаларига гастроинтестинал протекторини кўшиш ушбу тизимдаги ўзгаришларни барқарорлашишига олиб келганлиги кўрсатилган.

Хазм тизими касалликлари мавжуд беморларда гастроинтестинал протектор ребамипид қўлланганда ичаклардаги яллиғланиш жараёни, нажасда калпротектин кўрсаткичлари, қонда интерлейкин-6 камайиши билан ифодаланган яллиғланиш маркерларини камайишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 билан оғриган беморларда “клиник ва иммунологик соғайган”дан кейин, нажасда калпротектинни аниқлаш уларда яллиғланиш жараёнлари сақланаётганлигини баҳолаш имконини яратган;

Ошқозон-ичак тизимида аниқланган ўзгаришларни даволашда қўлланилаётган комплекс ва симптоматик муолажаларга плейотроп хусусиятга эга бўлган гастроинтестинал протектор мукогенни (ребамипид) қўшилиши аниқланган ўзгаришларни бартараф қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро, ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, COVID-19 ўтказган “клиник соғайган” беморлар ошқозон-ичак тизимини эзофагогастродуоденоскопия, барий билан рентгенография, нажасни экиш ва уни калпротектинга текшириш, ушбу тизимда сақланган яллиғланиш жараёнларини аниқлаш ва ўтказилган даво самарасини баҳолаш имконининг яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар асосида шаклланган тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши COVID-19 ўтказиб “клиник соғайган” беморларда ошқозон-ичак тизимида сақланиб қолган яллиғланиш жараёнлари ва уларни нохуш оқибатларини эрта бартараф қилиш имкониятини яратиши билан ифодаланган. Бу натижалардан фойдаланиб COVID-19 ўтказган беморнинг иш қобилиятларини тўлиқ тикланиши ва ҳаёт сифатларини яхшиланишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19 ўтказган беморлар ичакларининг функционал ҳолати ва микрофлорасини ўрганиш ҳамда даволашни мувофиқлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

COVID-19 ўтказган беморлар ошқозон ичакларининг функционал ҳолати, микрофлораси ва улардаги яллиғланиш жараёнларини ўрганиш, ҳамда иккиламчи профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «COVID-19 ўтказган беморлар ичакларидаги микрофлора ҳолатини ўрганиш ва даволашни такомиллаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 16 сентябрдаги 8н-з/472-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома COVID-19 ўтказиб “клиник соғайган” беморларда сақланиш эҳтимоли бўлган ошқозон-ичак тизимидаги яллиғланиш жараёнларини эрта аниқлаш ва бартараф этиш имконини берган;

COVID-19 ўтказган беморлар ичакларининг функционал ҳолати ва микрофлорасини ўрганиш ҳамда даволашни мувофиқлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази терапия бўлимларига, Фарғона вилоят Олтиариқ тумани ва Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмалари амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 06 декабрдаги 08/38724-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши COVID-19дан кейинги ошқозон-ичак тизимида яллиғланиш эҳтимоллигини аниқлаш, беморларни шифохонада даволаниш кунларини қисқаришига ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан, ҳамда технологияларининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Коронавирус инфекцияси ва уни ўтказган беморларда ички аъзолар, шу жумладан, ошқозон ичак тизимининг зарарланишини баҳолаш ва уни даволашни такомиллаштириш**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Унда коронавирус инфекциясининг тарқалиши, ҳамда уни ўтказган беморларда ошқозон – ичак тизимида юзага келадиган ўзгаришлар батафсил ёритилган. Бу бобда адабиётлардаги маълумотлар умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Ошқозон-ичак тизимида патологик ўзгаришлар аниқланган COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган беморлар клиник материали ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот, ҳамда унда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Илмий тадқиқот ишида ошқозон-ичак тизими касалликлари белгилари аниқланган 100 нафар беморлар кузатилганлар. Уларнинг 42 нафари (42 %) эркаклар ва 58 (58 %) аёллар ташкил қилдилар.

Мақсаддан келиб чиқиб кузатувга олинган беморлар дастлаб 2 гуруҳга ажратилдилар. Уларнинг биринчи гуруҳини COVID-19 ўтказган, ҳамда иммуноглобулин М аниқланмаган ва касалликдан соғайгандан сўнг, 3 ойдан бир йилгача бўлган “нисбий соғлом”, аммо ошқозон-ичак тизими касалликлари белгилари мавжуд бўлган 60 та, ўртача ёши 56.7 ± 1.7 бўлган 27 нафар эркаклар ва 33 нафар аёллар ташкил қилдилар.

Иккинчи, яъни назорат гуруҳини COVID-19 ўтказмаган, лекин ошқозон-ичак тизими касалликлари белгилари мавжуд бўлган 40 та, ўртача ёши 58.3 ± 1.4 бўлган 15 нафар эркаклар ва 25 нафар аёллар ташкил қилдилар.

Биринчи, яъни асосий гуруҳ (COVID-19 ўтказган, ҳамда “нисбий соғлом”) ўз навбатида олиб борилган муолажалардан келиб чиқиб иккита кичик гуруҳларга ажратилдилар.

Биринчи кичик гуруҳини 30 нафар беморлар ташкил этиб, уларнинг ўртача ёши $57,1 \pm 2.5$ тенг бўлиб, 15 нафари эркаклар ва 15 нафари аёллардан иборат бўлди. Иккинчи кичик гуруҳни ҳам 30 нафар беморлар ташкил этиб, уларнинг ўртача ёши $56,3 \pm 2.3$ тенг бўлди, ҳамда 12 нафари эркаклар ва 18 нафарини аёллар ташкил этдилар.

Асосий гуруҳнинг биринчи кичик гуруҳида мавжуд касалликни даволашда фойдаланиладиган стандарт муолажалар билан бир қаторда ребамипид (мукоген) қўлланилди. Беморлар препаратни 1 таблеткадан кунда уч марта 8 ҳафта давомида қабул қилдилар. Ребамипид яллиғланишнинг патологик занжирига таъсир этиб, интерлейкинлар ҳосил бўлишини камайтиради. Шунинг учун препарат Маастрихт V томонидан гастроинтестинал протектор сифатида қўллашга тавсия этилган.

Кузатувдаги барча беморларда даволашдан олдин ва кейин умумклиник, биокимёвий ва иммунофермент таҳлиллар – қон зардобадаги ИЛ-6, *Helicobacter pylori* антитаначалари текширилди, ҳамда нажас таркибида калпротектин, *Helicobacter pylori* ва уни экиш йўли билан микрофлораси

аниқланди. Асбобий текшириш усулларида гепатобилиар тизимни ултратовуш текшируви, эзофагогастроуденоскопия ва ошқозон-ичак тизими рентгенографияси ўтказилди.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2016) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ($M \pm m$) ҳисобланди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончилиги Стюдент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончилилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг «**Ошқозон-ичак тизимида патологик ўзгаришлар аниқланган COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларнинг муолажалардан олдинги кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили**» деб номланган учинчи бобида кузатувимиздаги беморлар асосий (ошқозон –ичак тизими шикоятлари мавжуд Covid -19 ўтказган ва “клиник соғайган”) ва назорат (ошқозон –ичак тизими шикоятлари мавжуд Covid -19 ўтказмаган) гуруҳларида аниқланган шикоятлар, асбобий ва лаборатор текширувлар кўрсаткичларининг муолажалардан олдинги солиштирма таҳлили келтирилган.

Беморлардаги ошқозон –ичак тизимидаги шикоятлари солиштирма таҳлил қилинганда асосий, яъни Covid -19 ўтказган гуруҳда деярли барча ҳолатларда назорат гуруҳига нисбатан ишончли юқори эканлиги тасдиқланди. Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг мос равишда 86,6% ва 47,5% иштаҳа йўқолишига шикоят қилдилар. Бунда Covid -19 ўтказган беморлар билан назорат гуруҳидагилар орасида фарқ ишончли бўлди ($p < 0.001$). Шунингдек, қорин дам бўлиши (мос равишда 83,33% ва 45%), кўнгил айниши (мос равишда 80% ва 47,5%) каби шикоятлар ҳам шифохонага турли ошқозон ичак тизими касалликлари билан даволанаётган ва Covid -19 ўтказган беморларда назорат гуруҳига нисбатан ишончли кўп қайд этилди ($p < 0.05$). Санаб ўтилган шикоятларни Covid -19 ўтказган беморларда кўп учраши улар организмида яширин яллиғланиш жараёнлари сақланиб қолганлигидан далолат беради ва буни мазкур гуруҳдагилар қонида интерлейкин - 6 кўрсаткичларининг юқорилиги ҳам тасдиқлайди.

Ундан ташқари асосий гуруҳдагиларнинг 80 % қайд қилиш, 70 % ич қотиши, 66.67% эпигастрал соҳада оғирлик ҳисси каби шикоятлар билдирдилар. Назорат гуруҳида эса ушбу шикоятлар мос равишда 47.5%, 50% ва 40 % ни ташкил этди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар солиштирилганда барча санаб ўтилган шикоятлар асосий яъни Covid -19 ўтказган беморларда назорат гуруҳига нисбатан ишончли кўп учраши аниқланди ($p < 0.05$). Юқоридагилар билан бир қаторда ҳар иккала гуруҳ беморлари таъм сезмаслик ва ич кетишига шикоят қилдилар. Ушбу шикоятлар асосий гуруҳда мос равишда 15% ва 30%, назорат гуруҳида эса 5 % ва 17.5 % тенг бўлиб улар орасидаги фарқлар ҳам ишончли бўлди ($p < 0.05$). Асосий гуруҳдаги беморларнинг 40 % жиғилдон қайнашига, 45% қориндаги оғриқларга шикоят билдирган бўлсалар, бу кўрсаткичлар назорат гуруҳида мос равишда 27,5 ва 30 % га тенг бўлди. Улар

ўртасидаги фарқлар солиштирилганда кўрсаткичлар бир биридан ишончли фарқ қилмаслиги аниқланди ($p>0.05$).

Ошқозон-ичак тизимида патологик ўзгаришлар аниқланган COVID-19 ўтказган ва қонда иммуноглобулин М аниқланмаган “нисбий соғлом” беморларда назорат гуруҳидагиларга (COVID-19 ўтказмаган лекин ошқозон-ичак тизимида патологик ўзгаришлар аниқланган) нисбатан қатор шикоятларнинг ишончли кўп учраши ва уларда яллиғланиш жараёнларининг узоқ давом этишини, ҳамда реабилитация муолажаларини ўтказиш зарурлигини тасдиқлайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, биз кузатувдаги беморларда ошқозон – ичак тизими ҳолатини баҳолаш мақсадида муолажалардан олдин эзофагогастрофиброскопия текширувини ўтказдик.

1-жадвал

Кузатувдаги асосий (Covid 19 ўтказган гастроэнтерологик касаллик белгилар мавжуд) ва назорат (Covid -19 ўтказмаган гастроэнтерологик касаллик белгилар мавжуд) гуруҳидаги беморларнинг муолажадан олдинги эзофагогастроуденоскопия кўрсаткичлари манзараси.

№	Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ n=60	Назорат гуруҳ n=40	P
1	Катарал зофагит	9 (15%)	7 (17,5%)	$P>0.05$
2	Эрозив эзофагит	16 (26,67%)	4 (10%)	$P<0.05$
3	Гастрит	20 (33,33%)	6 (15%)	$P<0.05$
4	Эрозив гастрит	26 (43,33%)	8 (20 %)	$P<0.001$
5	Дуоденит	19 (31,66 %)	6 (15%)	$P=0.08$
6	Ошқозон яраси	21 (35%)	7 (17,5%)	$P<0.05$
7	12 бармоқ ичак яраси	12 (20%)	5 (12,5%)	$P=0.33$
8	Диафрагма чурраси	7 (16,7%)	5 (12,5%)	$P>0.05$
9	Гастроэзофагал рефлюкс касаллиги	19 (31,6%)	6 (15 %)	$P<0.05$

1-жадвалда келтирилганидек, асосий гуруҳдаги беморларнинг 9 нафари яъни 15% нинг қизилўнгачида катарал ва 16 (26,67%) - эрозив эзофагит аниқланди. Назорат гуруҳида эса ушбу ўзгаришлар мос равишда 7 (17,5%) ва 4 (10%) нафар беморларда кузатилди ($P>0.05$; $P<0.05$). Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, Covid -19 ўтказган беморларда қизилўнгач жароҳатланиши COVID-19 ўтказмаган беморларга нисбатан 2 маротаба, шу жумладан унинг эрозив зарарланиши 4 маротаба кўп учрайди.

Гастрит Covid -19 ўтказган ва “клиник соғайган” беморларнинг 20 (33,33%), ўтказмаган беморларнинг 6 (15%) нафарида, яъни 3,3 маротаба кам кузатилди. Гуруҳлар ўзаро солиштирилганда юқори ишончли ($P<0.05$) фарқлар қайд этилди. Эрозив гастрит асосий ва назорат гуруҳида мос равишда 43,33% ва 20 % беморларда аниқланди ва фарқлар ишончли ($P<0.001$) бўлди.

Шунингдек, ошқозон шиллиқ қаватининг чуқур ўзгариши ҳисобланган яра касаллиги асосий гуруҳда 35 % ва назорат гуруҳида 17,5 % беморларда аниқланди ($P<0.05$). Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда ошқозонда катарал ва эрозив гастрит, ҳамда яра касаллигининг учраши уни ўтказмаганларга нисбатан деярли 3 маротаба юқори бўлди.

Ушбу гуруҳ беморларда ошқозон шиллик қаватида шикастланишларининг кўп учраши нафақат вируснинг шиллик қаватларга бевосита цитопатик таъсири, эҳтимол цитокинлар ажралиши ва яллиғланиш жараёнларининг кучайиши, шунингдек, антиагрегант, ҳамда антикоагулянтларни кўп миқдорда қабул қилиш натижасида ривожланадиган гастропатия билан ҳам боғлиқ. Чунки, COVID-19 билан касалланган беморлар тромбоэмболиянинг олдини олиш мақсадида ушбу гуруҳ дориларни узоқ вақт қабул қиладилар.

Дуоденит Covid -19 ўтказган ва “клиник соғайган” беморларнинг 19 (31.67%) нафарида, COVID-19 ўтказмаган беморларнинг 6 (15%) нафарида кузатилди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ўзаро солиштирганда улар ишончли ($P>0.05$) бўлмади. 12 бармоқ ичак яра касаллиги асосий ва назорат гуруҳи беморларининг мос равишда 20% ҳамда 12,5 % да кузатилиб кўрсаткичлар унда ҳам ишончли бўлмади ($P=0.33$). Шунингдек, гастроэзофагал рефлюкс касаллиги 19 (31.6%) нафар асосий гуруҳ беморларида ва 6 (15%) нафар назорат гуруҳидаги беморларда аниқланди ($P<0.05$).

Коронавирус билан касалланган ва «нисбий соғлом» беморларда гастроэзофагал рефлюкс касаллиги уни ўтказмаганларга нисбатан 3 баробар кўпроқ кузатилди. Бу қизилўнгач ва ошқозон шиллик қаватининг ўтказувчанлигини ва ҳимоя фаолиятини таъминлайдиган шиллик ишлаб чиқарилишининг камайиши билан боғлиқ.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, коронавирус инфекцияси, нафақат, нафас олиш, балки овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларида ҳам патологик ўзгаришлар келтириб чиқаради.

Ушбу инфекциянинг ичакнинг меъёрий микрофлорасига таъсирини ўрганиш мақсадида тадқиқотга жалб қилинган беморларда нажас экмаси ўтказилди.

2-жадвал

Кузатувдаги асосий (Covid 19 ўтказган) ва назорат (Covid -19 ўтказмаган) гуруҳларидаги беморларнинг муолажадан олдин экилган нажас экмаси таҳлили натижалари.

№	Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ n=60	Назорат гуруҳ n=40	P
1	Бифидобактерия	$3,71 \pm 0,36 \times 10^6$	$8,2 \pm 1,5 \times 10^7$	$P < 0,05$
2	Лактобактерия	$1,87 \pm 0,1 \times 10^6$	$1,6 \pm 0,3 \times 10^7$	$P < 0,05$
3	E.Coli лактоза манфий	$2,81 \pm 0,13 \times 10^7$	$4,7 \pm 1,2 \times 10^6$	$P < 0,01$
4	E.Coli лактоза мусбат	$4,96 \pm 1,28 \times 10^6$	$10,9 \pm 5,4 \times 10^6$	$P > 0,05$
5	Энтерококк	$3,66 \pm 0,22 \times 10^6$	$3,1 \pm 0,73 \times 10^5$	$P < 0,01$
6	Сапрофит стофилакок	$2,5 \pm 0,19 \times 10^5$	$3,1 \pm 0,5 \times 10^4$	$P < 0,05$
7	Замбуруғлар	$3,7 \pm 0,1 \times 10^4$	$2,8 \pm 0,7 \times 10^4$	$P > 0,05$

2-жадвалда кузатувдаги беморларнинг муолажалардан олдинги нажас экмаси таҳлили келтирилган. Жадвалда келтирилганидек, COVID-19 билан касалланган ва “клиник соғайган” беморларда ичак микрофлорасида яққол ўзгаришлар кузатилди. Маълумки, бифидобактериялар организмни патоген микроорганизмлардан ҳимоя қилади ва улар метаболизмининг якуний маҳсулоти сут, ҳамда сирка кислоталари ҳисобланади. Бу кислоталар

ичакларда рН даражасини камайтириб, антибактериал таъсир кўрсатади ва шу орқали патоген микроорганизмлар кўпайишига тўсқинлик қилади. 6-жадвалда келтирилганидек асосий гуруҳ беморларда ичакда бифидобактериялар миқдори $3,71 \pm 0,36 \times 10^6$ та ва назорат гуруҳида $8,2 \pm 1,5 \times 10^7$ тани ташкил этиб, фарқлар ишончли бўлди ($P < 0,05$).

Ичакдаги муҳим бактериялардан яна бири – лактобактериялар ҳисобланади. Улар организмда йиринглаш ва чириш жараёнларига сабаб бўладиган патоген бактерияларни кўпайишига қаршилик қилади. Шунингдек, ичакларга ташқи муҳитдан тушган патоген бактерияларни ҳам зарарсизлантиришга ёрдам беради. Кузатувдаги беморларнинг иккала гуруҳида лактобактериялар миқдори мос равишда $1,87 \pm 0,1 \times 10^6$ ва $1,6 \pm 0,3 \times 10^7$ бўлиб, кўрсаткичлар гуруҳлар ўртасида солиштирилганда фарқлар ишончли бўлди ($P < 0,05$).

Ичак дизбактериозининг муҳим ташхисий мезони лактоза манфий *Escherichia coli* сони ҳисобланади. Маълумки, уларнинг кўплиги йўғон ичакларнинг мотор - эвакуатор фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. COVID-19 ўтказган ва «нисбий соғлом» гуруҳ беморларда уни ўтказмаган беморларга нисбатан лактоза манфий *Escherichia coli* сони юқори бўлди (мос равишда $2,81 \pm 0,13 \times 10^7$, ҳамда $4,7 \pm 1,2 \times 10^6$). Кўрсаткичлар иккала гуруҳ ўртасида ўзаро солиштирилганда юқори ишончли фарқ аниқланди ($P < 0,01$). Лактоза мусбат *Escherichia coli* сони асосий ва назорат гуруҳида мос равишда $4,96 \pm 1,28 \times 10^6$, ҳамда $10,9 \pm 5,4 \times 10^6$ ни ташкил қилиб, фарқлар ишончли бўлмади ($P > 0,05$).

Энтерококлар сони COVID-19 ўтказган ва «нисбий соғлом» ҳамда уни ўтказмаган гуруҳ беморларда мос равишда $3,66 \pm 0,22 \times 10^6$ ва $3,1 \pm 0,73 \times 10^5$ ни ташкил этди. Иккала гуруҳ кўрсаткичлари ўзаро солиштирилганда фарқлар юқори ишончли бўлди ($P < 0,01$). Энтерококлар В лимфоцитларни фаоллаштириш ва иммуноглобулин А синтезини ошириш орқали иммунитетни рағбатлантиради ҳамда эркин интерлейкин 1β ва 6 ни ишлаб чиқарилиши кўпайтириш билан антиаллергик ҳамда антибактериал таъсир кўрсатади.

Тадқиқотга жалб этилган беморларда стафилококлар ва замбуруғлар ҳам ўрганилди. Асосий гуруҳ беморларда сапрофит стафилококлар аниқланган бўлиб улар $2,5 \pm 0,19 \times 10^5$ ни ва назорат яъни Covid -19 ўтказмаган гуруҳда эса $3,1 \pm 0,5 \times 10^4$ ни ташкил этди ($P < 0,05$). Бундан ташқари нажасда Covid -19 ўтказган ва «нисбий соғлом» гуруҳ беморларда замбуруғлар сонининг назорат гуруҳига нисбатан (мос равишда $3,7 \pm 0,1 \times 10^4$ ҳамда $2,8 \pm 0,7 \times 10^4$) юқори бўлди ($P > 0,05$). Патоген микроорганизмлар сонининг кўпайиши ошқозон – ичак тизимининг зарарланиши билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Хусусан антибиотикларнинг қўлланилиши патоген ва патоген бўлмаган бактерияларнинг кўпайишини тўхтатиши орқали патоген микрофлоранинг хусусиятларини олиши мумкин бўлган сапрофит микрофлоранинг кўпайишига шароит яратиб берган бўлиши мумкин.

Юқоридаги таҳлил натижалари COVID-19 билан касалланган ва “клиник соғайган” беморларда йўғон ичак дизбактериози, бифидо ва лактобактерияларнинг етишмовчилиги, лактоза манфий таёқчалар ҳамда энтерококлар сонининг ошишини кўрсатди.

COVID-19 ўтказган беморлар ичакларидаги яллиғланиш жараёнлари ва ўтказувчанлиги ҳолатини баҳолаш ва уни тиклаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Шу мақсадда биз кузатувимиздаги беморларда муолажалардан олдин қатор маҳсус биокимёвий текширишлар ўтказдик ва улар ўртасидаги боғлиқликларни ўргандик.

Маълумки, калпротектин ичаклар шиллиқ қаватида яллиғланиш жараёнлари мавжудлигини тасдиқловчи ишончли маркерларидан бири ҳисобланса, интерлейкин-6 дан организмда яллиғланиш ҳолати давом этаётганлигини аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Кузатувимиздаги COVID-19 ўтказган ва “клиник соғайган” беморлар қонидаги интерлейкин – 6 ва нажасдаги калпротектин орасида ишончли мусбат корреляцион боғлиқлик аниқланди.

COVID-19 билан касалланган беморлар қонида цитокинларнинг кўпайиши кўп сонли кузатувларда ўз исботини топган. Ҳатто тиббиётда коронавирус билан оғриган беморларнинг кўп ҳолларда ўлимига сабаб бўлувчи “цитокинлар тўфони” ибораси амалиётга тадбиқ этилган. Лекин ҳозирга қадар COVID-19 ўтказиб клиник соғайган беморларда яллиғланиш цитокинлари, хусусан интерлейкин-6 кўрсаткичларининг динамикада ўзгаришига бағишланган маълумотлар етарли эмас. Шунингдек, уларнинг ичак деворидаги яллиғланиш маркерлари, хусусан калпротектин билан боғлиқлиги ўрганилмаган. Бизнинг кузатувимизда интерлейкин -6 ва унинг калпротектин билан ишончли мусбат боғлиқлиги аниқланганлиги коронавирус инфекциясини ўтказиб клиник соғайган беморларда ҳам яллиғланиш цитокинлари узоқ муддат сақланиши ҳамда ичак деворларида яллиғланиш жараёнларини чақиришини тасдиқлайди.

Қуйидаги 1-расмда асосий (Covid 19 ўтказган) ва назорат (Covid -19 ўтказмаган) гуруҳида нажасда *Helicobacter pylori* аниқланган беморлар сони фоизларда келтирилган.




1-расм. Кузатувдаги асосий (Covid 19 ўтказган) ва назорат (COVID-19 ўтказмаган) гуруҳларида *Helicobacter pylori* аниқланган беморлар сони (*-P<0.05).

Расмда асосий, яъни COVID-19 ўтказган, ҳамда “клиник соғайган” беморларнинг 40 % да, назорат (Covid -19 ўтказмаган) гуруҳидаги беморларнинг эса 17.5 % да қонда *H. Pylori* аниқланди. Иккала гуруҳлар орасидаги фарқлар солиштирганда кўрсаткич ишончли бўлди (P<0.05). Ушбу ўзгаришни коронавирус инфекцияси таъсири натижасида организмда ушбу грам-манфий бактерияларнинг кўпайиб кетиши билан боғлаш мумкин.

Калпротектин кўрсаткичлари асосий ва назорат гуруҳларида мос равишда $112,36 \pm 1,05$ мкг/г ҳамда $68,23 \pm 12,64$ мкг/г ни ташкил этди. Кўрсаткичлар иккала гуруҳлар орасида ўзаро солиштириб ўрганилганда ишончли ($P < 0.05$) фарқлар қайд этилди (2-расм). Асосий гуруҳнинг *Helicobacter Pylori* аниқланган беморларида калпротектин кўрсаткичлари $184,6 \pm 33.25$ мкг/г ни, у аниқланмаганларда унинг кўрсаткичлари $54,8 \pm 7.0$ мкг/г ($P < 0.0001$) ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида кўрсаткичлар мос равишда $84,5 \pm 29$ пг/мл ва $57,6 \pm 12.5$ пг/мл га тенг бўлди.

Олинган натижалар коронавирус ўтказган ҳолат негизида организмда *Helicobacter pylori* мавжудлиги ичаклардаги яллиғланиш жараёнларини инфекция ўтказмаганларга нисбатан яққолроқ намоён бўлишини кўрсатади. Калпротектинни юқори кўрсаткичлари коронавирус инфекциясининг тизимли таъсири ва клиник соғайгандан кейин ҳам ичаклардаги яллиғланиш жараёнларини узоқ муддат сақланишини тасдиқлайди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, интерлейкин – 6 кўрсаткичлари Covid-19 ўтказган, ҳамда “клиник соғайган” беморларда ўртача $19,7 \pm 1,27$ ммол/л, назорат гуруҳидаги беморларда $11,2 \pm 1,4$ ммол/л ни ташкил этди ва фарқлар ишончли ($P < 0.05$) бўлди (3-расм). *Helicobacter Pylori* аниқланган асосий гуруҳда интерлейкин – 6 кўрсаткичлари $26,1 \pm 1.7$ мкг/г ва у аниқланмаган асосий гуруҳда кўрсаткичлар $14,4 \pm 1.74$ мкг/г га тенг бўлиб бир биридан юқори ишончли фарқ қилди ($P < 0.001$). Назорат гуруҳида эса кўрсаткичлар мос равишда $14,5 \pm 2.49$ пг/мл ва 8.0 ± 2.5 пг/мл га тенг бўлди. Бу яллиғланиш цитокинларининг динамикада нафақат касалликнинг ўткир даврида балки клиник соғайгандан кейин ҳам сақланиб қолишини тасдиқлайди ва беморлар реабилитация чораларига муҳтожлигини англатади.



2-расм. Кузатувдаги асосий (Covid 19 ўтказган) ва назорат (Covid -19 ўтказмаган) гуруҳларидаги беморларнинг муолажадан олдинги интерлейкин-6 ва калпротектин кўрсаткичлари (*- $P < 0.05$).

Коронавирус инфекцияси ошқозон ичак тизими шиллиқ қавати эпителийларига бевосита таъсир қилиб яллиғланиш жараёнларини келтириб чиқаради. Ушбу ўзгаришлар яллиғланиш цитокинларининг ошишига ҳамда аъзоларда оғир патологик ҳолатларнинг ривожланишига сабаб бўлади. COVID-19 ўтказган иммуноглобулин М аниқланмаган ҳамда “клиник соғайган” беморларда яллиғланиш цитокинлари юқори бўлиши ва калпротектин билан ишончли ижобий корреляцион боғлиқлиги бизнинг текширувларимизда ҳам тасдиқланди.

Диссертациянинг “Ошқозон-ичак тизимида патологик ўзгаришлар аниқланган COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларнинг муолажалардан кейинги кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили” деб номланган тўртинчи бобда тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг муолажадан кейинги таҳлил натижалари келтирилган. Олиб борилган муолажалар самарадорлигини баҳолаш мақсадида беморлар 3 та гуруҳга ажратилди. Биринчи ва иккинчи гуруҳни COVID-19 ўтказган ва “клиник соғайган” ошқозон ичак тизими касалликлари белгилари аниқланган 30 нафардан беморлар ташкил қилди. Иккала гуруҳ беморлар ҳам аниқланган ошқозон ичак тизими касалликларига мос стандарт комплекс даво муолажаларини қабул қилдилар ҳамда биринчи гуруҳ беморларга қўшимча равишда мукоген (рабепамид) препарати буюрилди. Учинчи гуруҳга COVID-19 ўтказмаган ва ошқозон ичак тизими касалликлари аниқланган 40 нафар беморлар назорат гуруҳи сифатида жалб қилинди, ҳамда улар ҳам стандарт комплекс даво муолажаларини қабул қилдилар.

Қуйидаги 3 ва 4- жадвалда кузатувдаги беморларнинг муолажадан кейинги эзофагогастрофиброскопия кўрсаткичлари келтирилган.

3-жадвал

Кузатувдаги асосий гуруҳидаги беморларнинг муолажадан олдин, ҳамда кейинги эзофагогастрофиброскопия кўрсаткичлари.

№	Кўрсаткичлар	COVID-19 ўтказган стандарт даво +мукоген олган биринчи гуруҳ n=30		COVID-19 ўтказган стандарт даво олган иккинчи гуруҳ n=30	
		Муолажадан олдин	Муолажадан кейин	Муолажадан олдин	Муолажадан кейин
1	Эзофагит	5 (16,6%)	1 (3%)*	4 (13,3%)	2 (6,7%)
2	Эрозив эзофагит	9 (30%)	2 (6,67%)*	7 (23,33%)	4 (13,3%)
3	Гастрит	12 (40%)	8 (26,67%)*	8 (26,67%)	6 (20%)
4	Эрозив гастрит	14 (43,33%)	4 (13,33%)*	12 (40%)	8 (26,67%)*
5	Дуоденит	10 (33,33%)	5 (16,67%)*	9 (30%)	5 (20%)*
6	Ошқозон яраси	11 (36,67%)	3 (10%)*	10 (33,33%)	6 (20%)*
7	12 бармоқ ичак яраси	6 (20%)	1 (3,33%)*	6 (20%)	4 (13,33%)
8	Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги	11 (36,67%)	2 (6,67%)*	8 (26,67%)	3 (10%)

Изоҳ: *-даволашдан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар фарқи: *-p<0.05; **-p<0.01; ***-p<0.001.

Жадвалда келтирилганидек биринчи гуруҳ беморларда даволанишдан олдин эзофагит ва эрозив эзофагит билан касалланиш мос равишда 5 (16,6%) ҳамда 9 (30%) ҳолатда кузатилган. Стандарт даво негизида мукоген қўшиб ўтказилган муолажалардан сўнг ушбу гуруҳ беморларда эзофагит ва эрозив эзофагит билан касалланиш сони мос равишда 1 (3,3%) ҳамда 2 (6,67%) ни ташкил қилиб фарқлар юқори ишончли бўлди (P<0.001). Иккинчи гуруҳ беморларда муолажалардан сўнг ишончли (P>0.05) ўзгаришлар кузатилмади (3-жадвал). Назорат гуруҳидаги беморларда эзофагит ва эрозив эзофагит билан касалланиш муолажадан олдин ва кейин мос равишда 7 (17,5%) -4

(10%) ҳамда 3 (10%) -1 (2,5%) ни ташкил этиб ўзгаришлар ишончли бўлди ($P < 0.05$). Гастроэзофагал рефлюкс касаллиги, биринчи яъни Covid 19 ўтказган стандарт даво негизида мукоген қабул қилган гуруҳ беморларда муолажадан олдин 36.67% беморларда кузатилди. Муолажалардан сўнг бу касаллик уларда деярли 6 маротаба камайиб (6,67%) фарқлар ишончли бўлди ($P < 0.001$). Иккинчи гуруҳ беморларда стандарт даво муолажаларидан сўнг ишончли ўзгаришлар қайд этилмади. Назорат гуруҳида эса гастроэзофагал рефлюкс касаллиги билан касалланиш муолажадан олдин ҳамда кейин мос равишда 15 % ва 5 % беморларда кузатилди ($P < 0.01$).

4-жадвал

Кузатувдаги асосий (COVID-19 ўтказган) ва назорат (COVID-19 ўтказмаган) ҳамда стандарт даво олган гуруҳлардаги беморларнинг муолажадан олдин ҳамда кейинги эзофагогастрофиброскопия кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Covid -19 ўтказган стандарт даво олган иккинчи гуруҳ n=30		Covid -19 ўтказмаган стандарт даво олган учинчи назорат гуруҳи n=40		P
		Муолажадан олдин	Муолажадан кейин	Муолажадан олдин	Муолажадан кейин	
1	Эзофагит	4 (13,3%)	2 (6,7%)	7 (17,5%)	3 (10%)*	>0,05
2	Эрозив эзофагит	7 (23,33%)	4 (13,3%)	4 (10%)	1 (2,5%)*	<0,05
3	Гастрит	8 (26,67%)	6 (20%)	6 (15%)	2 (5%)**	<0,01
4	Эрозив гастрит	12 (40 %)	8 (26,67 %)*	8 (20 %)	4 (10 %)*	<0,001
5	Дуоденит	9 (30%)	5 (20%)*	6 (15%)	2 (5%)**	>0,05
6	Ошқозон яраси	10 (33,33%)	6 (20%)*	7 (17,5%)	3 (7,5%)*	<0,05
7	12 бармоқ ичак яраси	6 (20%)	4 (13,33%)	5 (12,5%)	1 (2,5%)**	<0,05
8	Гастроэзофагал рефлюкс касаллиги	8 (26,67%)	3 (10 %)	6 (15 %)	2 (5 %) **	>0,05

Изоҳ: P- даволашдан кейинги стандарт даво олган иккинчи асосий ва учинчи назорат гуруҳлари кўрсаткичлари фарқи. *-даволашдан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар фарқи:

*- $p < 0.05$; **- $p < 0.01$; ***- $p < 0.001$.

Беморларда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак шиллиқ қавати ҳолатини ўрганганимизда муолажадан кейин Covid -19 ўтказган ва “нисбий соғлом” мукоген қабул қилган гуруҳ беморларда сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилди. Катарал ва эрозив гастрит даволашдан олдин биринчи гуруҳда мос равишда 12 (40%) ва 14 (43,3%) нафар беморларда учради. Мукоген кўшиб ўтказилган муолажалардан сўнг бу ўзгаришлар мос равишда 8 (26,67%, $P < 0,05$) ҳамда 4 (13,33%, $P < 0,001$) нафар беморларда кузатилиб, ишончли ўзгаришлар аниқланди. Covid -19 ўтказган ва фақат стандарт даво қабул қилган беморларда катарал гастрит муолажадан олдин, ҳамда кейин сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмади (мос равишда 8 (26, 67%) ва 6 (20%), $P > 0.05$). Эрозив гастрит сони 12 (40%) дан 8 (26,67%) гача камайди ва ўзгаришлар ишончли бўлди ($P < 0,05$). Назорат ёки коронавирус инфекцияси билан касалланмаган гуруҳ беморларда

катарал ва эрозив гастрит назорат гуруҳи билан солиштирилганда кам учради, мос равишда 6 (15%) ҳамда 8 (20%). Ушбу гуруҳ беморларда муолажадан кейин катарал ва эрозив гастрит билан касалланиш ишончли камайди, мос равишда 2 (5%, $P < 0,01$) ҳамда 4 (10%, $P < 0,05$). Дуоденит биринчи гуруҳда муолажадан олдин ва кейин мос равишда 33 % ҳамда 16,67% ни ташкил этди ва кўрсаткичлар ишончли бўлди ($P < 0,01$). Иккинчи гуруҳда ҳам муолажадан олдин ва кейин мос равишда 30 % ҳамда 20% ни ташкил этди ва кўрсаткичлар ишончли бўлди ($P < 0,05$). Назорат гуруҳида ҳам муолажалардан сўнг ишончли ўзгаришлар кузатилди (мос равишда 15% ва 5%, $P < 0,001$).

Ребамипид препарати цитопротектив таъсир кўрсатиб, ошқозон – ичак тизими шиллиқ қавати эпителиал хужайраларининг тузилишини меъёрлаштиради. Бу эса шиллиқ қаватларнинг ҳимоя хусусиятларини тиклашга ва эрозив ярали жароҳатларни тузалишига ёрдам беради. Ушбу нуқтаи назардан текшириш натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, ошқозон яраси биринчи гуруҳда мукоген қабул қилгандан сўнг ишончли камайганлигини кўришимиз мумкин (муолажадан олдин ва кейин мос равишда 11 (36,67 %) ҳамда 3 (10%), $P < 0,001$). Иккинчи гуруҳда ошқозон яраси стандарт муолажалардан сўнг 33,33 % дан 20 % гача камайган ($P < 0,05$). Коронавирус инфекцияси билан касалланмаган гуруҳ беморларида ошқозон яраси нисбатан камроқ аниқланди 7 (17,5%) ва стандарт даводан сўнг ишончли камайди 3 (7,5%, $P < 0,05$). 12 бармоқ яра касаллиги биринчи гуруҳда муолажадан олдин 20 % беморларда ҳамда таркибида мукоген қўшиб ўтказилган стандарт даводан сўнг 3,33 % беморларда кузатилди ($P < 0,001$). Фақат стандарт даво қабул қилган беморларда ишончли ўзгаришлар кузатилмади (мос равишда 20% ва 13,33 %, $P > 0,05$). Назорат гуруҳида 12 бармоқ ичак яраси 5 (12,5%) нафар беморда аниқланди ва стандарт даводан сўнг фақатгини 1 (2,5%) нафар беморда яра сақланиб қолди ($P < 0,01$).

Стандарт даво олган иккинчи ва учинчи гуруҳ беморларидаги гастроброскопияда аниқланган ўзгаришлар ўзаро солиштирилганда куйидагилар аниқланди. Иккинчи гуруҳ COVID-19 ўтказган беморларда эрозив эзофагит ($P < 0,05$) ва гастрит ($P < 0,001$), катарал гастрит ($P < 0,01$), ошқозон ва 12 бармоқ ичак яраси ($P < 0,05$) каби ўзгаришларни учинчи гуруҳга нисбатан ишончли сақланиб қолиши коронавирусни инсон организмига клиник соғайгандан кейин ҳам узок муддат таъсир кўрсатишини тасдиқлайди. Шу сабабли ушбу гуруҳ беморлар йўналтирилган иккиламчи профилактика чора тадбирларига муҳтож эканликларини кўрсатади.

